

Суд айбдорларнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 177-моддаси билан нотўғри квалификация қилган.

Тойлоқ туман суди томонидан Т. ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди ва 177-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан судланган.

Т. С.га уй олиб беришни ваъда қилиб, 1997-йилдан 2000-йил июнь ойига қадар унинг 8.000 АКШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда айбли деб топилган.

Жиноят иши апелляция тартибида кўрилиб, ҳукмнинг жазо қисми ўзгартирилган.

Самарқанд вилоят суди раёсати суд қарорларининг Т.ни ЖК 177-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан билан айблашга доир қисмини бекор қилиб, ишнинг шу қисмини тугатган. Раёсат қарорида, жумладан қуйидагилар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 8-сонли «Валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 10-бандида валюта қимматликлари фирибгарлик йўли билан қўлга киритилганда айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 177-моддаси билан қўшимча квалификация қилинмаслиги кўрсатилган.

4-ж-12-сонли қарор